

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

---

---

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**FarDU.  
ILMIY  
XABARLAR-**

1995 йилдан нашр этилади  
Йилда 6 марта чиқади

3-2020

**НАУЧНЫЙ  
ВЕСТНИК.  
ФерГУ**

Издаётся с 1995 года  
Выходит 6 раз в год

<b>М.Ҳайдаров</b>	
Ўзбекистон ССРдаги ижтимоий муаммолар: ишчилар норозилигининг сабаблари ва моҳияти.....	101
<b>Т.Ахмедов</b>	
Фуқаролар фаоллигини оширишда телевидениенинг ўрни.....	106
<b>Ғ.Раҳмонов</b>	
Мустақиллик йиллари Ўзбекистон сув ҳўжалиги тизимида амалга оширилган ислохотлар ва уларнинг натижалари.....	110
<b>С.Ахмедов</b>	
Абдураззоқ Самарқандийнинг “Матлаи саъдайн ва Мажмаи баҳрайн” асари темурийлар давридаги маданий-маърифий жараёнлар тавсифи бўйича қимматли манба сифатида.....	115
<b>Р.Расулова</b>	
Туркистонга татар “сафарбарлик”лари хусусида .....	121

---

АДАБИЁТШУНОСЛИК

<b>А.Сабирдинов, Д.Муратова</b>	
Ўзбек-корейс халқ оғзаки ижодида оила ва оилавий қадриятлар масаласи .....	126
<b>Э.Жабборов</b>	
Ўзбек миллий адабиётида маърифатпарварлик қарашларнинг такомиллашуви.....	131
<b>Б. Абдураҳмонова</b>	
“Қутадғу билиг” асарининг вазн хусусиятларини ўргатиш.....	138

---

ТИЛШУНОСЛИК

<b>Ғ.Хошимов, Н.Комилова</b>	
Турли тизимли тилларда “Гендер” концепти ва уни воқелантирувчи воситалар майдонининг қиёсий тадқиқи .....	144
<b>Н. Умарова</b>	
Навоийнинг “Садди Искандарий” достонида “Олтин” концептининг фрейм структураси.....	149
<b>Г.Розиқова</b>	
“Девону луғотит турк”да сўз маъносининг метонимия асосида кўчиши.....	155
<b>А.Базарбаева</b>	
Инглиз тили дарсликларида машқлар тақдимотининг назарий асослари .....	160
<b>Д.Рахматуллаева</b>	
Шарқ мутафаккирларининг ғоялари ва “Илм-маърифат” семемали бирликлар.....	164
<b>Б.Баҳриддинова</b>	
Замонавий ўқув луғатларининг таркибий тузилмаси хусусида.....	167
<b>Н.Суярова</b>	
Оламнинг лисоний тасвири ва “Белги” денотатив семали метафораларнинг шаклланиши.....	172
<b>Б.Сулаймонов</b>	
«Теорема» романининг лексикографик тадқиқи.....	176

---

ПЕДАГОГИКА, ПСИХОЛОГИЯ

<b>Ф.Тошпўлатова</b>	
Чет тилини ўрганиш учун ўқув материалларини танлаш ва ишлаб чиқиш тамойиллари .....	180
<b>Г.Саидова</b>	
Бошланғич синфларда инновацион технологияларни қўллашнинг шакл ва воситалари .....	184

---

ИЛМИЙ АХБОРОТ

<b>Л.В.Гормонов, Б.З.Зарипов, А.А.Грудков, В.А.Каримов</b>	
Физиологик шароитларда каламушларнинг ингичка ичагида озуқа	

УДК: 41+808.2

## “ДЕВОНУ ЛУГОТИТ ТУРК”ДА СЎЗ МАЪНОСИНИНГ МЕТОНИМИЯ АСОСИДА КЎЧИШИ

ПЕРЕНОС ЗНАЧЕНИЯ СЛОВА В "ДЕВОНУ ЛУГОТИТ ТУРК" НА ОСНОВЕ  
МЕТОНИМИИSHIFT OF THE WORD MEANING IN "DEVONU LUGOTIT TURK" ON THE BASIS OF  
METONYMYГ.Розиқова<sup>1</sup><sup>1</sup>Г.Розиқова

ФарДУ, филология фанлари номзоди, доцент.

**Аннотация**

Мақолада кўчимнинг бир тури бўлган метонимия ҳодисаси Маҳмуд Кошғарийнинг “Девон”и асосида таҳлил қилинган.

**Аннотация**

В статье один из типов тропа – явление метонимии, проанализирован на основе «Дивана» Махмуда Кошгари.

**Annotation**

Metonymy, one of the means of transferred meaning, is analysed according to the work «Devonu lugotit turk» by Mahmud Koshgari.

**Таянч сўз ва иборалар:** лисоний ортиқчалик, лисоний тежамлилиқ, полисемия, метафора, метонимия, синекдоха.

**Ключевые слова и выражения:** лингвистическое излишество, языковая экономичность, полисемия, метафора, метонимия, синекдоха.

**Keywords and expressions:** linguistic excess, linguistic economy, polysemy, metaphor, metonymy, synecdoche.

Тилни система сифатида ўрганиш ҳозирги давр тилшунослигининг етакчи йўналиши бўлиб қолди. Шунинг учун сўнгги йилларда тил қурилишининг систем таҳлилини ўрганишга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Систем тилшуносликнинг асосини тил ва нутқ ҳодисаларини фарқлаш, шунингдек, тил ва нутқ бирликларини ажратиб, уларни алоҳида категориялар сифатида тадқиқ этиш ташкил этади. Лисоний бирликларнинг синтагматик ва парадигматик хусусиятлари, уларнинг ўзаро алоқаси, энг муҳим бирлик ҳисобланувчи сўзларнинг шаклий-мазмуний тузилиши, улар ўртасидаги мутаносиблик ёхуд номуаносиблик масалаларини ўрганиш, номуаносибликнинг турлари ҳамда юзага келиш сабабларини очиш бугунги ўзбек тилшунослиги учун муҳимдир. Зеро, тилшунослик фанининг бош мақсади ҳам тил ҳодисаларининг шакли ва мазмуни ўртасидаги муносабатнинг ўзига хос томонларини очиб беришдан иборат.

Тилда ортиқчалик ва тежамлилиқ ҳодисалари доимо ёнма-ён, изма-из юради.

Ортиқчалик ва тежамлилиқ ҳодисаларининг бундай ёндошлиги, изма-излиги парадигматик номуаносибликда ҳам мавжуд. Шаклий пландаги номуаносибликда шаклий бирликлар ортиқча бўлиб, мазмуний (маъновий) бирликлар тежалади, мазмун планига хос номуаносибликда мазмуний бирликлар ортиқча бўлади.

Шаклий планга хос номуаносиблик синонимия, параллелизм, дублет сингари лисоний тушунчалар билан боғланса, мазмуний планга хос номуаносиблик полисемия, антонимия, полифункционаллик, синкретизм сингари тушунчалар билан алоқадор бўлади.

Таниқли ўзбек тилшуносларидан бири Т.Алиқулов шундай ёзади: “Полисемия тилшуносликнинг актуал масалаларидан бири ҳисобланади. Шунинг учун ҳам унинг тилдаги ўрнини белгилаш, тарихий ривожланиш этапларини кузатиб, қай усуллар билан вужудга келиш қонуниятларини ўрганиш муҳим аҳамиятга эга”[1,36]. Туркий тиллар тарихи ҳақида

муҳим маълумот берувчи қомусий асар бўлган Маҳмуд Кошғарийнинг “Девону луғотит турк” асарида қўлланган кўпмаъноли лексемаларни ўрганиш бу ҳодисанинг тарихий асосларини белгилашда муҳим аҳамиятга эга.

Полисемиянинг кўпчилик тилшунослар томонидан эътироф этилган турлари сифатида метафора, метонимия, синекдохани кўрсатиш мумкин. Сўз маъноси кўчишининг бу каби кўринишлари тилимиз тарихида қадимдан мавжуд бўлган. Маҳмуд Кошғарийнинг “Девону луғотит турк” асарида қўлланган лексемаларни услубий-семантик жиҳатдан таҳлил қилиш асносида XI асрдаги эски туркий тил даврида қўлланган лексемаларда юз берган маъно ўзгаришлари янги маъно ҳосил қилишнинг метафора, метонимия, синекдоха сингари усуллари заминида воқеланганига гувоҳ бўламиз.

Тилларнинг тараққиёти уларнинг аниқликдан мавҳумлик томон йўналиши орқали белгиланади. Бундай жараён тилнинг барча сатҳларида тежамлилиқ тамойилининг кучайиши ва ўсиши билан боғлиқ бўлади [2,194]. Тежамлилиқ назарияси тил тараққиётини белгиловчи ижобий характердаги таълимотдир. Метонимиянинг мавжудлиги тилдаги тежамлилиқ тамойилининг намоён бўлишидир. Метонимия ҳодисаси ҳам, худди метафора сингари, сўзларнинг кўчма маъноси билан боғлиқ. Унда ҳам, худди метафорадаги сингари, бирор нарса ёки воқеа-ҳодисанинг номи бошқа бир нарса ёки ҳодисага кўчирилади. Бу предмет ёки воқеа-ҳодиса онгимизда бир-бири билан алоқадор тушунчаларни англантиши билан ўзаро боғланган бўлади. Метонимияда икки предмет ташқи кўриниши ёки ички хусусиятлари билан бир-бирига қандайдир алоқаси бўлса ҳам, аммо умуман, бир-биридан фарқ қилувчи (бир-бирига ўхшамаган) предметларнинг белгилари чоғиштирилади [6,238].

Маҳмуд Кошғарий ўзининг “Девону луғотит турк” асарида лексемаларга изоҳ берар экан, зукко тилшунос сифатида сўзларнинг кўпмаънолилиқ ҳодисасига ҳам алоҳида эътибор қаратади. Масалан, “Хумару–эсдалик. Катталардан бирон киши ўлса, унинг молидан бир нафис нарсани шоҳга тақдим этилади, ана шу нарсани

хумару дейилади. Ундан эсдалик демакдир. Сафарга кетаётган киши қариндош ва танишларига қолдираётган нарсаси ҳам хумару дейилади. Бу сўз эркак ва аёллар номи сифатида ҳам ишлатилади.

Кўмуш сўзининг “кумуш”, “қимматбаҳо металл” маъносида қўлланилиши унинг бош маъноси бўлса [3,248], бу сўзнинг “танга” маъносида ишлатилиши унинг ҳосила маъносидир. Пул бирлиги бўлган танганинг шундай аталишининг сабабини Маҳмуд Кошғарий куйидагича изоҳлайди: “кўмуш – танга. Чунки унда кумуш бор” [3,249].

Ҳозирги ўзбек адабий тилида ўпка сўзининг маъноси “одам ва умуртқали ҳайвонларда кўкрак қафаси ичига жойлашган нафас олиш органи”дир. “Девон”да *опкә* сўзининг бош маъноси “ўпка, оқ жигар” дея изоҳланади. Бу сўзнинг “ғзаб” маъносида ҳам қўлланилиши унинг кўчма маъноси бўлиб, “унинг шундай айтилишига сабаб ғзабнинг ўпкада пайдо бўлишидир. Бу сўзнинг шу маънода қўлланилиши сўзнинг пайдо бўлиш ўрнига кўра келиб чиққандир. Чунончи, ёмғирни “осмон” дейилгани каби. *анил опкәсин оғурди* – унинг ғзабини пасайтирди.” Келтирилган изоҳдан шу нарса англашиладики, Маҳмуд Кошғарий сўзнинг кўчма маъносини изоҳлар экан, унинг худди шундай ҳодиса билан ўхшаш хусусиятларига ҳам алоҳида тўхталади: “*чунончи, ёмғирни “осмон” дейилгани каби*”. Дарҳақиқат, *осмон* сўзи орқали “ёмғир” маъносининг ифодаланиши ҳам метонимик кўчимга асосланган бўлиб, худди ғзаб ўпкада пайдо бўлгани сингари, ёмғир ҳам осмонда пайдо бўлади. Худди шунингдек, Кошғарий *ағил* сўзини куйидагича изоҳлайди: “*ағил*—оғил, яъни кўй оғилхонаси; ўғузлар кўйнинг қийини *ағил* дейдилар. Бир-бирига яқин туриши натижасида келиб чиққан. Чунончи, ёмғирни ҳам, булутни ҳам *сәмә* деб айтилгани каби” [3,67].

“Девон”да *эмир* сўзи ҳам “туман”, ҳам “булут” (ўғузча) маъносида қўлланилиши айтилади. Бунинг сабаби сифатида уларнинг ҳар иккаласи ҳам табиат ҳодисасига алоқадор эканлигини кўрсатиш мумкин. [3,57].

Бу изоҳлар Маҳмуд Кошғарийнинг сўз маънолари ўртасидаги мана шундай нозик фарқларни жуда теран англаганининг исботидир. Гарчи у метонимия атамасини ишлатмаган бўлса-да, бу ҳодиса сўзларнинг

ўзаро алоқадорлиги туфайли юзага келишини аниқ лисоний далиллар асосида кўрсатиб берган.

«Одамнинг бош терисида ўсадиган қил толалар қопламаси» [7,557] маъносидаги *сач* сўзи асарда баъзан ўз ўрнида қўлланган бўлса, (*Ол сач ўрди – у соч ўрди*), баъзан унинг маъноси *бош* (“тананинг бўйиндан юқориги (одамда) ёки олдинги (хайвонларда) қисми; калла”) сўзи орқали берилади: *эр башин урпатти – одам бошидаги сочини хурпайтирди*. Худди шунингдек, *бош* сўзи ўз маъносида ҳам, тежамлилиқ тамойилига кўра, “калланинг юнги” маъносида ҳам қўлланган: *қој баші ўтўлді – қўй калласининг юнги утиб олинди (қуйдирилди)*.

Маҳмуд Кошғарий “Девон”ида *эгәтлік қарабаш* ифодаси “янга” маъносида қўлланади: *эгәтлік қарабаш*, яъни янга, никоҳ кечаси келин ва куёвга хизмат қилишга буюрилган хизматчи. Бу сўз келиннинг ўзига ҳам қўлланилганлиги ҳақидаги маълумотлар унинг ҳам метонимия ҳодисасига мисол эканлигини кўрсатади.

“Девон”да шахс номлари гуруҳига мансуб “юртидан узоққа кетган бир кишига муҳим ва ошиғич хабарни етказиш учун юборилган (хабар етказувчи) одам”маъносини ифодаловчи *арқиш* сўзи қўлланган бўлиб, бу сўз “мактуб, нома” маъносида ҳам қўлланади. *Арқиш* сўзининг “мактуб, нома” маъносини ифодалаши метонимик кўчимга асосланади. Чунки ўша шахс, яъни *арқиш* юртидан узоққа кетган кишига ўз яқинларидан мактуб олиб борган. Бу эса шахс ва предмет ўртасидаги алоқадорлик асосида кўчимни юзага чиқарган.

Метонимия борлиқни англаш, уни тилда акс эттириш, нутқни таъсирчан ва ихчам шаклда баён этишнинг асосий усулларида биридир. Бу ҳодисанинг мавжудлиги тилдаги тежамкорлик қонуниятининг ифодасидир. Борлиқдаги нарса ва ҳодисаларнинг маълум бир жиҳатдан ўзаро алоқадорлиги асосида бир предмет номига унинг онтологик имкониятлари асосида янги вазифа юкланади. Масалан, инсон тана организмнинг “одам бошининг олд томони” маъносини англатувчи *јўз* (юз) [3,132] сўзи ўз маъносидан ташқари, кўчма маънода ҳам

қўлланади: *аниң јўзи а:ғди – унинг ранги ўзгарди*. Аслида бу жумла *унинг юзининг ранги ўзгарди* тарзида бўлиши керак эди. Инсон табиатида тежамкорликка, қисқаликка, қулайликка интилиш мавжуд. Бу эса ўзаро алоқадорлик асосидаги кўчимни юзага чиқаради. (132) *Аниң мэңзи ағди – унинг ранги ўзгарди* гапида ҳам юқоридаги каби ҳолатни кузатиш мумкин [3,62].

“Девон”да келтирилган тўртликларда ҳам предмет ва унинг ранги ўртасидаги алоқадорлик асосида юзага келган кўчимни кўрамыз. Масалан:

*Қизил, сарӣ арқашиб,  
Јэпкин, јашил ўзкәшиб,  
Бир-бир кэру јўркәшиб,  
Јалілуқ ані таллашур.*

Келтирилган мисраларда *қизил, сарӣ* сўзлари ҳам предмет маъносини, ҳам ана шу предметнинг ранги маъносини ифодалаб келган. Ранг билдирувчи мазкур сўзларга ўз маъносидан ташқари, яна қўшимча маъно юкланган. Унинг таржимаси қуйидагича: *Қизил, сариқ гуллар бир-бирига суянишиб, яшил райҳонлар бир-бири билан ўралишиб кўринади. Уларни кўрган киши танг қолади, ҳайрон қолади*.

“Жигарда ишлаб чиқариладиган сариқ ёки кўкимтир сариқ рангдаги суюқлик; зарда, ўт” маъносини англатувчи *сафро* сўзи *сарӣ* сўзи билан ифодаланган. Бунда ҳам предмет ва унинг ранги ўртасидаги алоқадорликни кўриш мумкин, яъни ранг орқали предмет ифодаланган.

Маҳмуд Кошғарий *а:л* сўзини изоҳлар экан, унинг ҳам ўзаро алоқадорлик асосида икки ўринда қўлланилишига эътибор қаратади: “*А:л* – тўқ сариқ (яъни апелсин) рангдаги ипак кийимлик; ундан хон байроқлари ва амалдорларнинг отларига ёпиладиган ёпиқ қилинади. Шунинг каби тўқ сариқ рангга ҳам *а:л* дейдилар”.

Предмет ва ундан ҳосил бўлган маҳсулот ўртасидаги алоқадорлик асосида ҳам метонимия ҳодисаси юзага чиқиши мумкин. XI асрда *арі* сўзи “ари”, “асал ари” маъносида ҳам, “асал” маъносида ҳам қўлланган. Маҳмуд Кошғарий бу ҳолатга шундай изоҳ беради: “Бу сўзда арабчага ўхшашлик, мослик бор. Чунки арабча *арі* асал демақдир; туркча асал аридан чиқадиган ҳосил. Жикил турклари асални *арі јарі* (ари ёғи) дейдилар” [3,77].

Ун- “донни тегирмонда тортиш йўли билан олинадиган кукунсимон озуқа.” Хамир эса унни сув ёки сутга қоришдан ҳосил бўладиган юмшоқ чўзилувчан қоришма. “Девон”да ун сўзи “хамир” маъносида ҳам қўлланган. Мазкур сўз англатган маъно унинг бошқа сўзлар билан синтагматик муносабати асосида юзага чиққан: *ол унуғ ўзләди* – у хамирни иссиқ кулда пиширди [3,199].

Маҳмуд Кошғарий *ашу* сўзининг “қизил тупроқ” маъносида ва “қизил кесак” маъносида қўлланилишини ёзади [3,78]. Бу мазкур сўзнинг ўзаро алоқадорлик асосидаги икки предмет номини ифодалашидир. Чунки кесак тупроқдан ҳосил бўлади.

“Метонимик ҳосила маъно сўзнинг бош маъносига яқинлиги ва метафорага нисбатан образсизлиги билан характерланади. Унда объектни тасвирлашдан кўра аташ, номлаш вазифаси устундир. Шу билан бирга, метонимик маънода сўзловчининг интенциал мақсади объектни бўрттириш эмас, балки нутқий тежамкорликка риоя этиш, сўз қўллашда қулайликни таъминлаш, унга эришишдир. Метонимик ифода бевосита бош маъно денотати билан табиий боғлиқликка эга бўлган объектни номлашга хизмат қилади [5,15].

Маҳмуд Кошғарий *бошуғ* сўзига изоҳ берар экан, бу сўзнинг “ижозат қоғози” ва “туҳфа” маъноларида қўлланилиши худди *суфра* сўзининг “таом” ва “таом қўйиладиган дастурхон”ни ифодалагани каби алоқадорлик асосида кўчимни юзага чиқарганини айтади: “*бошуғ* – султон томонидан ўзига юборилган элчининг қайтиб кетишига бериладиган ижозат қоғози. Элчиларга берилган туҳфага ҳам бу сўз қўлланади. Бу “суфра” сўзига ўхшайди. Суфранинг асл маъноси мусофир учун қилинган таом бўлса ҳам, кейинчалик у таом ёзиладиган теридан қилинган дастурхонга ҳам қўлланган, шунингдек, бир қариндош ўз қариндоши ҳузурига узоқдан келиб, қайтиш вақтида қариндош, яқинларни чақириб, берилган тортиқларга ҳам бу сўз қўлланади. Уларга тайёрланган овқатга ҳам *бошуғ аши* деб айтилади [3,249].

Ҳозирги ўзбек адабий тилида *дастурхон* сўзи “овқатланиш учун ёзиладиган буюм” маъносини ҳам, “дастурхонга қўйиладиган ноз-неъматлар”

маъносини ҳам англатгани сингари, *суфра* сўзининг қадимда дастурхон маъносини ифодалаганини Алишер Навоий асарларида ҳам кузатамиз: *Ёяр анга суфраки, ул оч эмас, Берур анга тўнки, яланғоч эмас.* Демак, замон ва маконда бир бирининг бўлишини тақозо қиладиган ҳамда бирга қўлланиладиган икки ёки бир неча предметдан бирининг номи иккинчисига кўчирилади. Масалан, *Дастурхон* сўзининг яна бир тарихий синоними бўлган *тэргў* (дастурхон) [3,287] сўзи ҳам ҳозирги ўзбек адабий тилида *дастурхон* сўзи томонидан ифодаланган маъноларни англатган: *тэргў* – дастурхон; *тэргў* – турли овқатлар билан тўла дастурхон [3,287]. Ёки *сағрақ* сўзини олайлик. Бу сўз сув ва бошқа нарсалар ичиладиган идиш, коса маъносини ифодалаган. Қуйидаги мақолда у “сув” маъносида қўлланган: *саўин сағраққа тэғир* – ширин сўз билан одам шоҳлар косасидан сув ичади, яъни улар ҳурмат топади. Бу мақол *тўлўн тэргўга тэғир* (ширин ёқимли сўз билан киши дастурхонга етишади) мақоли билан ўзаро маънодошдир. Бу мақоллар “киши ўз фазилатини тили орқали билдириши керак” мазмунини англатади. Асарда *тамғалиқ* сўзи ҳам мавжуд бўлиб, у қуйидагича изоҳланади: “*тамғалиқ* – кичкина обдаста; *тамғалиқ* бир кишига махсус дастурхон. Асли *тамғалиқ*, яъни муҳрли демакдир. Одатда подшоҳ ўзига хос дастурхон тамғалиғ ва кўзачани муҳрлаб қўяди, унда бир кишига лойиқ шароб ва овқат бўлади. Сўнгра ҳар бир кичик кўзача ҳам дастурхон аталадиган бўлди. Бунинг маъноси подшоҳдан бошқа одам ундан овқат емаслиги учун тамға урилган дастурхон демакдир. Бу сўзнинг охиридаги ғ (ф) ни талаффуз ўрни яқинлигидан ڭ (к) билан алмаштириш ҳам мумкин” [3,343].

*Тарӣм* сўзи жой номи, яъни топоним сифатида Уйғур чегарасида Кужа яқинидаги бир жой номини ифодалайди. “Девон”да уни *исми тарӣм* дейишлари айтилади. Ўзаро алоқадорлик асосида у ердан оқадиган сув ҳам шу сўз билан аталади [3,266]. *Тамға* – денгиз, қўл ва водийларга қўйиладиган сувнинг бир тармоғи. Дарёда қайиқ тўхтайдиган жой ҳам *тамға* дейилади.

Ҳосила маъно юзага келишининг бир кўриниши бўлган метонимия “ҳосила маъно референти билан ҳосил қилувчи маъно референтининг алоқадорлигига асосланиб

## ТИЛШУНОСЛИК

юзага чиқади. Метонимиялар умумлашган лексик маънога асосланган метонимия ва хусусий лексик маънога асосланган метонимияга бўлинади. Ҳосил қилувчи маъно аввалгисидан умумийлиги, кейингисидан хусусийлиги билан ўзига хосдир. Умумлашган лексик маънога асосланган метонимиялар барча мустақил маъноли сўз туркумларида, хусусий лексик маънога асосланган метонимиялар фақат от туркумида мавжуд” [4, 103].

Асарда *idiш* сўзининг “қадах”; “пиёла” маъносида қўлланилиши; яғмо, тухси, ямак, ўғуз ва арғулар тилида тос, обдаста, товоқ ва лаганларнинг ҳаммаси “идиш” деб юритилиши [3,60] ҳақидаги маълумотлар ҳам бу сўзларнинг метонимия ҳодисасининг кўринишлари эканлигини англатади. Худди шунингдек, *амач* сўзининг ҳам “омоч” (бўйинтуруқ), ҳам деҳқончилик асбоблари

[3,55] маъносида қўллангани ҳам юқоридаги жиҳатларга алоқадордир. XI асрда *сабан* лексемаси *қўш*, *қўш хўкиз*, *омоч*, *бўйинтуруқ* маъносида ҳам, “қўш билан ер ҳайдаш” маъносида ҳам қўлланган; *тулун* – от юганларининг ўнг ва чап томони, отнинг икки чеккасидаги (мунчоқ, тумор каби) нарсалар ҳам *тулун* дейилган.

*А:ј* сўзи ҳам *ой* (самовий жисм), ҳам “30 кундан иборат бўлган вақт, муддат” [3,73] маъноларини ифодалашини муаллиф шундай изоҳлайди: *Ўттиз кунлик ой муддатини ҳам ой деб аташга сабаб шуки, уни ойнинг ўтиши билан, ой билан билинади* [3,74].

Хулоса қилиб айтганда, метонимия ҳодисаси тилимиз тарихининг энг қадимги даврларига оид бўлиб, у тилдаги тежамлилик тамойилининг ёрқин кўринишидир.

## Адабиётлар:

1. Алиқулов Т. Полисемияларнинг ҳосил бўлиши ҳақида //Ўзбек тили ва адабиёти, –1963 йил, 6-сон.
2. Будагов Р.А. Человек и его язык. Второе и расширенное издание. – М.: МГУ, 1976.
3. Маҳмуд Кошғарий. Туркий сўзлар девони ( Девону луғоти-т- турк). I-II. Тўлдирилган ва ислоҳ қилинган иккинчи нашр.- Т.: Mumtoz so'z, 2016.
4. Миртожиев М. Ўзбек тили семасиологияси. –Т.: “Мумтоз сўз”, 2010.
5. Насруллаева Г. Антропоцентрик метафоранинг лисоний, когнитив ва лингвомаданий аспекти. Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертацияси. Фарғона, 2019.
6. Шомақсудов А. ва б. Ўзбек тили стилистикаси. —Т.: Ўқитувчи, 1983.
7. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 5 жилдли. 3-жилд. — Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2006.

(Тақризчи: Ш.Искандарова –филология фанлари доктори, профессор).